

## Аллоҳнинг зиммасини бузманг | Сийрат дарслари (256-дарс)



19:00 / 18.11.2023 1682

312. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Беш вақт намоз, жумадан жумагача ва Рамазондан Рамазонгача (бўлган ушбу ибодатлар) ўз ораларидаги (гуноҳ)ларга каффоротдир, модомики кабира гуноҳлардан тийилинган бўлса»**, дедилар.

*Муслим ривоят қилган.*

313. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасидадир. Демак, Аллоҳ сиздан**

**зинҳор ўз зиммасидаги нарсадан бирор нарсани талаб қилиб қолмасин, яна уни идрок қилиб, жаҳаннам оловига юзтубан отмасин».**

*Муслим ривоят қилган.*

Бошқа ривоятда:

**«Бас, Аллоҳнинг зиммасини бузманг»,** дейилган.

*Термизий ривоят қилган.*

314. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ичингизда кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар алмашиб туришади. Улар бомдод намозида ва аср намозида жамланиб турадилар. Сўнгра ичингизда тунаганлар кўтарилишади. Шунда Роббилари Ўзи билиб турса ҳам улардан: «Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди. Улар: «Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик. Улар ҳузурига борганимизда ҳам намоз ўқиётган эканлар»,** дейишади».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

315. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ким икки салқин(даги намозни - бомдод ва хуфтон)ни ўқиса, жаннатга киради»,** деганлар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.